

Абдулбосит қори Қобулов қироат бўйича Ал-Азҳар шайхидан ижоза олди



19:02 / 25 ноябрь 213

Тошкент ислом институти «Қуръон илмлари» кафедраси ўқитувчиси Абдулбосит қори Қобулов Имом Ҳафсинг Имом Осимдан қилган ривояти Тоййиба йўли орқали Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга боғланган санади билан ижоза олди.

Абдулбосит қори Қуръони Каримни юқоридаги тариқага кўра қироат қилиб, шайх Иброҳим Муҳаммад ҳузурида хатм қилди.

Шу муносабати билан Тошкент ислом институти «Қуръон илмлари» кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов ва 10 та қироат бўйича ижоза соҳиби, Ал-Азҳар шайхи, кафедра устози Иброҳим Муҳаммад билан биргаликда Абдулбосит қори Қобуловга ижоза шаҳодатномасини топширди.